



Туркистон мустамлакага айлантирилгач, подшо Россияси ўзининг асосий максоди этиб энг аввало халкларимизда миллий давлатчилик туйгуларини йўк қилиш этиб белгилади. Бунда ҳамма сохада рус миллатчилик шовинизмини қарор топтириш кўзланди. Рус амалдорларидан бири татар А.Диваева шундай ёзган эди: - «Бу халқлар жуда бой маданиятга эга, бу маданиятни ўрганиш биз учун жуда ҳам оғир. Бирок биз бу маданиятни ўрганишга мажбурмиз, чунки бундан буён бу халқларни биз бошқарамиз». (Киргизские пословицы. М.1900. 2-бет).

Туркистонда барча рус амалдорлари, зиёлилари ўлкада буюк рус давлатчилик гояларини амалга оширишга қиришдилар. Туркистонда сиёсий, иқтисодий ва миллий маънавий зулм ниятда қучайди.

Ўлка аҳолисининг рўйхатга олинган, эркакларни ҳарбий хизматга олиш масаласи юзага келди. Бирок ўлкада махсус тафтиш ишлари олиб борган махфий маслахатчи Гирснинг берган маълумотларига асосан подшо ҳукумати туркистонликлардан армияга олиш фикридан қайтди ва уларга ҳарбий солиқлар жорий этди. Подшо маҳаллий халқларнинг қўлига қурол бериб, ҳарбий ишларга ўргатиш ўзи учун ниятда ҳавфли тадбир эканлигини англади. Подшо ҳукуматининг Туркистонда олиб борган мустамлакалаштириш сиёсати маҳаллий халқларимизда қучли норозилик келтириб чиқарди ва русларнинг бу ерга қириб келган дастлабки қўнлариданок мустамлакачиларга ўзининг норозилигини намоён этиб турди. XIX асрнинг 70-80 йилларида эса мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари Туркистон ўлкасининг деярли барча жойларида қучайиб кетди. Бу ҳақда махфий маслахатчи Гирс ҳам ўз маълумотларида тўхталиб ўтиб, «халқда русларга қарши қурашиш бефойда», деган тушунча пайдо бўлган, - дея таъкидлаб ўтади. Бирок биз кейинги йилларда бўлиб

бир канча миллий озодлик ҳаракатларидан халқда бундай ҳулоса пайдо бўлмаганлигини кўрамиз. Миллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига яна бир сабаб, мустамлакачилар томонидан амалга оширилаётган иктисодий зулм эди. Россия Туркистонни босиб олгач, ўзининг иктисодий манфаатларини амалга оширишга ва ўлкани хом-ашё базасига айлантиришга киришди. Кишлоқ хўжалигидаги амалга оширилган сиёсат, ўлкада саноат ишлаб чиқаришнинг шакиллантирилиши тўлалигича рус подшоши манфаатлари учун ишлай бошлади. Маҳаллий халқларнинг барча инсоний ҳуқуқлари поймол этилиб, уларга факатгина арзон ишчи кучи бўлган куллар каби муомала қилинди. Ер мулкларнинг йирик мулкдорлар кўлида тўпланиши, турли банкларнинг очилиши, савдо судхўрлик капиталининг кучайиши ўлкада кашшокларнинг кўпайишига олиб келди. Айниқса, руслаштириш сиёсати орқали ўлгага кўплаб рус мужикларини кўчириб келтирилиши ҳам халқларимизнинг азалий тириклик манбаи бўлган ер сувларидан маҳрум бўлишига ва ёлланма ишчиларга, мардикорларга айланиб боришига олиб келди. Судхўрликнинг ниятда, кучайиб авж олиши ҳам асосан оддий дехконларни катта-катта қарзларга бостириб, ўз ери ва эркидан маҳрум бўлишларига олиб келди. Руслар келиши билан бошланган очрачиликлар, кашшокликлар, турли қасалликларнинг кўпайиши, айниқса, руслар билан тенгма тенг ўлкада кенг тарқалган ўғрилиқ, талончилик, юлғичлик оддий халқнинг бошига оғир савдоларни солди. Халқимиз ҳар томонлама мустамлакачилик зулми остида эзилган бўлсада, бироқ ўзининг иззати, эрки, кадр-қиммати топталаётганлигига индамай қараб турмади ва рус мустамлакачиларига қарши кўплаб маротаба эрк ва истиклол учун курашлар олиб борди. Бу курашлар 70-80 йилларда Фарғона водийсида, 90-йилларда Тошкентда ва Фарғона водийсида, XX асрнинг бошларига келиб Туркистон ўлкасининг деярли барча ҳудудларида муттасил давом этиб турди ва халқимизнинг ўз эрки ва озодлигини қўлга киритиши учун ҳеч қачон курашларни пасайтирмаганлиги уни юқорида айтганимиздек «бефойда» деб ўйламаганлиги бу курашларнинг моҳиятини очиб беради.

Подшо Россияси томонидан амалга оширилган иктисодий ва миллий зулм халқларимизнинг миллий озодлик курашларини кучайишига олиб келди. Ҳукмрон тузумга қарши кўзғолонлар асосан қамбағал дехконлар, қосиблар, ҳунармандлар томонидан амалга оширилди. Миллий гурурини йўқотмаган айрим юқори табақа вакиллари ҳам бу кўзғолонларда иштирок этдилар. 1878 йилда Мингтепада Етимхон бошчилигида русларга қарши кўзғолон қўтарилди. Бироқ рус мустамлакачи ҳукумати катта ҳарбий кучлар ёрдамида Етимхон бошчилигидаги кўзғолонларни бостирди. Бироқ, ўлкада рус қоризмига қарши кўзғолонлар бу билан бошланди деб бўлмайди. Бу даврда юз берган миллий озодлик ҳаракатларини махсус тадқиқ қилган тарихчи Х.Бобобеков қуйидаги бир қатор кўзғолонларни санаб ўтади:

1. Қозоғистон минтақасида 1783-1793 йилларда бўлиб ўтган Сирим Ботир кўзғолони.
2. 1822-23 йилларда бўлиб ўтган Жуломон Тиланчи кўзғолони.
3. 1836-1838 йилларда бўлиб ўтган Исатой Тойман кўзғолони.
4. 1837-1846 йилларда бўлиб ўтган Султон Қенасари кўзғолони.
5. 1856 йилда бўлиб ўтган Сирдарёдаги Жонхўжа Нурмухаммедов бошчилигидаги кўзғолон.
6. 1868 йилдаги Самарқанд мудоффааси ва Бухоро шаҳри, Шахрисабз бекликларидаги кўзғолонлар.
7. 1870 йилда Мангишлоқ қирғизларининг кўзғолонлари.

8. 1871 йилда Сирдарё вилоятида Эшон ЭшМухаммад бошчилигидаги кўзголонлар.

9. 1878 йилдаги Мингтепадаги Етимхон кўзголови ва бошқалар.

Юкоридагилардан кўринадики, Етимхон кўзголовига ҳам рус мустамлакачилигига карши маҳаллий халқлар томонидан кўплаб марта кўзголонлар кўтарилган. Улар орасида Султон Содик бошчилигидаги, Ботирхон Тўра бошчилигидаги, Пўлатхон, Кўрбонжон додхоҳлар бошчиликларидаги миллий озодлик ҳаракатларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Шунингдек, Бобобеков 1887-1897 йилларда Сирдарё, Самарканд, Фаргона вилоятларида мустамлака идораларига карши жаъми 663 марта ҳужумлар бўлиб ўтканлиги алоҳида таъкидлаб ўтади. Етимхон кўзголови мағлубиятга учрагач ҳам, Фаргона водийсида мустамлакачиларга карши курашлар пасайиб қолмади. Бундан ҳаракатлар турли шароитларда бўлиб турди.

1880 йилда алоҳида барча солиқлар йигиб олингандан сўнг Хўжанд Уездининг бошлиги Путинцев Ўратепа ва Хўжанд аҳолисида кўшимча солиқ йигиб олиш тўғрисида кўрсатма беради. Бундан газабга тўлган халқ Раҳмонкулихожа ва Мирқаримбойлар бошчилигида уезд маҳкамасига бориб норозиликларни билдирадилар. Кўзголончиларга карши қуч ишлатилади ва бошлиқлари ҳисобга олинади.

Шундай ҳаракатлардан бири 1882 йил ноябрида Наманганда бўлиб ўтади.

Кўзголончилар тарқатилиб, раҳбарлари қамолга олинади.

1882 йили Ўшда ва 1883 йили Чустда кўтарилган кўзголонлар ҳам шу тариқа бостирилди.

80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошларида Фаргона водийсида кўзголонлар яна авж олди. Кўзголончилар ўзларига қарашли бўлган ва зулм ўтказган бойлар ҳамда волост бошлиқларининг уйларига ўт қўйиш ва ҳужумлар уюштиришни қучайтирдилар. Андижон уездининг Кўргонтепа волостида Дарвешхон бошчилигида мустамлакачиларга карши очикдан-очик қуролли курашга тайёргарлик қўрила бошланди. Ҳукумат бундан хабар топагач, у ерга ҳарбий қучларни юборди ва кўзголончиларга зарба берилди. Кўзголон раҳбарларидан бири Мўминбой дорға осилди.

1890 йилда Наманганнинг Қапа волости Қумқўргон қишлоғида ҳам маъмуриятга карши норозилик бўлиб ўтди. Бунга ҳам карши ҳарбийлардан фойдаланилди.

1893 йил февралда Қўкон волостининг Қашқар ва Ниёз қишлоқларида, 13 февралда Андижон яқинидаги Қўкон қишлоқда мустамлакачи маъмуриятга карши қучли норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди. Айниқса, Қўкон қишлоғида халқ пристав ва унинг ёрдамчиларини қалтаклаб, уларни бу ердан ҳайдаб юборди. Бу кўзголон билан Фаргона вилояти гарбий губернатори генерал лейтенант Корольков Н.И шахсан ўзи шугулланди ва кўзголончиларни жазолаш учун ўз ёрдамчиси генерал-майор Мединскийни юборди. Русларнинг қатта ҳарбий қучлари Қўкон қишлоқ аҳолисини қаттиқ қийноқларга солдилар ва уларнинг мол-мулкларини тортди олдилар.

Бундай кўзголон ва норозилик Андижон уездининг Қенгқўл волостида элликбошиларни сайлаш вақтида ҳам юз берди. 1896 йилда Наманган уездининг Оксув-Шахрихон волостидаги Найманча, Қўхна мазор, Лангарбоб қишлоқларида ҳам элликбоши ва мингбошилар сайловлари вақтида шундай ҳаракатлар бўлиб ўтди. Бу кўзголонларда ҳам халқ пристав ва унинг амалдорларини дўппослаш, уларни тошбўрон қилиш билан қечланди.

1895-1896 йилларда Қенгқўл-Қорақир, Олмос, Сариксув, Оксув-Шахрихон волостларда яна бир неча марта шу қабил кўзголонлар бўлиб турди.

Фаргона водийсида тинмасдан кўтарилиб турган бундай кўзголонлар ва миллий озодлик

ҳаракатлари мустамлакачи ҳукуматни дахшатга солди. Маъмурият кўзголонларнинг олдини олиш ва кўзголончиларга қарши курашда шафқатсиз бўлиш билан бирга кўзголончиларни жазога тортишда ҳам кенг ваколатларга эга эди.

1892 йилдан бошлаб рус мустамлакачи ҳукумати ҳукуматга қарши қилинган ҳар қандай жиноятни кўриш учун ҳарбий судига боришга одатланишди. Бунда «жиноятчиларни» «олий жазо» га ҳукм қилиш учун катта ҳуқуқлар берилди ва бундан асосий мақсад халқни доимий кўркув ва ҳавотир, дахшат остида яшашга мажбур қилиш эди.

Кўкон хонлиги тугатилиб, ўрнида Фаргона вилояти ташкил этилгач, халқимизнинг ватанпарвар фарзандлари ўз эрки ва озодлигини қўлга киритиш ҳамда миллий давлатчиликларини тиклаш учун курашни бир дам ҳам пасайтирмадилар. Пўлатхон кўзголови мағлубиятга учрагач, Фаргона водийсидаги барча ватанпарвар қучлар яна бир истиклол учун курашчи-машҳур қирғиз аёли Қурбонжон додхон қўшинлари сафига қелиб қўшилдилар. Водийда яшовчи ўзбек, қирғиз, тожик халқлари биргалашиб умумий душманга қарши курашни давом эттирдилар.

Қурбонжон додхон Европадаги урушларда катта тажриба ортирган рус генералларидан бири Д.Скобелевга қарши курашларда уни мағлубиятга учратади. 1876 йил ёзида бўлиб ўтган жангдан сўнг, мағлубиятга учраган генерал Скобелев сулҳ сўраб, Қурбонжон додхон ҳузурига майор Ионовни юборди. Бироқ, мағрур сарқарда аёл майор Ионовни қабул қилмади ва мансаб поғонаси жихатидан ўзига тенг бўлган сарқарда билангина музоқара олиб боришини билдирди. Музоқара олиб бориш амалга ошмагандан сўнг руслар яна жангнинг давом эттиришга мажбур бўлди. Қурбонжон додхоннинг ўғли Абдулла ўз укалари билан биргаликда онасини қўллаб қувватлади ва улар билан биргаликда русларга қарши зарбалар бера бошладилар. Улар рус мустамлакачиларни ҳар қандай қелишувчилик ва битимларни ҳеч қачон ҳалол бажармасликларини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Ўзоқ ва шиддатли жанглардан сўнг 1876 йил 31 июл куни қирғизларнинг мунгиш ва адигина уруғлари русларга таслим бўлганликларини билдирдилар. Бироқ бу билан руслар истиклолчилик ҳаракатларини Олойда бутунлай бостиришга эриша олмадилар. Руслар Олойда ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмагач, Қурбонжон додхонни «Олой маликаси» ва ҳукмдори деб тан олдилар. Бу ерлар Россия мулки деб эълон қилинган бўлса ҳам, Қурбонжон додхон ўзига қаршли ҳудудларда мустиқил сиёсат юритиш ва бошқариш ҳуқуқини сақлаб қолди.

Фаргона водийси ва Олойда халқ курашлари давом этарди. Қирғизларнинг найман уруғи Кўкон хонлари авлодидан бўлган Худойкул хон деб эълон қилдилар ва курашни давом эттирдилар. Шохимардон ва Лангар қишлоқларини эгаллаб, Водил ва Чименни қўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган Худойкулга қарши генерал Кольпаковский бошчилигидаги жазо отряди юборилди ва Худойкул мағлубиятга учради. Бу жанг Қорақия деган жойда бўлиб ўтди.

1876 йилнинг март ойида Абдуллабек ҳам курашларни қучайтirdи ва русларнинг таркибидан Терак доғонига қўчаётган вақтда руслар унга қарши жанг қилдилар ва Абдуллабек томонидан мағлубиятга учрадилар. Абдуллабекка қарши юборилган ҳоин Саримсоқхўжа ҳам мағлубиятга учратилди ва қатл этилди. Гулжага қочишга эришган Худойкул кўзголови қўтаришга уриниб қўрди, бироқ қўлга туширилиб, қатл этилди. Давомли курашлардан сўнг тарқок ҳолга қелиб қолган Ватан ҳимоячилари ўз қучларини бирлаштирдилар. Абдуллабек, Умарбек, Сулаймон удайчи, Таникул ва Валихон тўралар

бошлик ўзбек ва киргиз ватанпарварлари русларга карши кураш олиб бориб, Янгиарик дарасини эгаллаб олдилар. Шу вақтларда эса Абдукаримбек ўзини хон деб эълон килди (1876 й май). Узок давом этган курашлар ватан химоячилари учун жуда огир кечди ва улар мунтазам рус армияларига карши давомли курашлар олиб боришга ожизлик килдилар. Шунга карамай рус мустамлакачилигига карши озодлик курашлари Туркистон ўлкасининг турли жойларида ўзини намоён қилиб турди.

Рус мустамлакачилигига карши энг катта курашлардан бири XIX асрнинг 90 йиллари бошида Тошкентда бўлиб ўтди. 1892 йил баҳорида Афғонистоннинг Кобул ва Хирот шаҳарларида вабо касаллиги таркалди. Бу касаллик баҳорнинг охирида Самарканд вилояти ва июннинг бошларида Тошкент шаҳрига ҳам етиб келади.

Бу касалликнинг олдини олишдан ожиз бўлган рус мустамлакачи маъмурияти касалликнинг кенг тарқалиб кетишидан хавфсираб, баъзи шошилиш чораларни амалга оширади, шулардан бири сифатида шаҳардаги мавжуд 12 та кабристоннинг барчаси ёпиб қўйилади. Вафот этганларни дафн қилиш учун ваъда берилган бир нечта кабристон ўрнига шаҳарлардан олисда факатгина битта кабристон очиб берилади. Шунингдек, вабо билан оғриганлар руслар томонидан йўқ қилинади деган миш-мишлар ҳам тарқалиб кетади. Бу эса ўз навбатида халқни ваҳимага солиб қўяди. Халқ орасида ҳукуматдан норозилик қайфияти кучайиб боради.

Халқнинг бундай қайфиятидан хавфсираб қолган маъмурият халқпарвар ва ҳақиқатқўй эски шаҳар оксоқоли Иноғомхўжа Умриёхўжаевни (1833-96) оксоқолликдан бекор қилиб, ўрнига ёқтирмайдиган ва русларнинг садокатли кулларида бири Мухаммад Ёқубни шаҳар оксоқоли этиб тайинлайди. Ўз манфаати учун ҳеч нимадан қайтмайдиган Мухаммад Ёқуб ўз ажали билан ёки бошқа касалликлардан вафот этганларни ҳам шаҳар чеккасидаги махсус кабристонга қўмишни буюради. Вафот этганларнинг кабристонга қўмилишидан ҳам пора ундириш пайига тушганлиги учун халқнинг Мухаммад Ёқубдан норозилиги ошиб кетади. Халқ ўзининг кадр-киммати топталаётганлигига чидаб турмайди ва қўзғолон қўтаради.

Бунга яна рус маъмуриятининг вабо касаллигини олдини олиш борасида етарли эътибор бермаётганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлади. 1892 йилнинг 24 июнга ўтар кечаси Мухаммад Ёқубга вафот этганларни яширинча кабристонга қўмилаётганлиги ҳақида хабар келади. У бу ҳақда шаҳар ҳокими Путинцевни хабардор қилади. Оқибатда эртаси куни бир қанча кишилар айбдорлар сифатида қамолга олинади. Халқ очикдан-очик ўзига карши миллий ва диний қадриятларининг, инсонийлик кадр-кимматининг поймол этилаётганлигига карши чидаб турмади ва Азизёр, Абдул Қосимхўжа каби Тошкентнинг таникли уламолари бошчилигидаги мингга яқин киши ҳоким қароргоҳи томон юриш қиладилар. Путинцев ва Мухаммад Ёқуб бошчилигидаги шаҳарликларга карши турган полициячилар халқ томонидан тошбўрон қилинадилар. Ҳоким ва унинг миршабларини дўппослаш билан бирга ҳокимнинг маҳкамаси ҳам остин-устун қилинди. Тошкентликларга карши ҳарбий қуролли қучлар карши қўйилди ва халқ солдатлар томонидан аёвсиз ўққа тутилди. Оқибатда қўплаб кишилар ўлди ва ярадор бўлди. Жазолаш вақтида 60 киши асир олинди. Ҳисобга олинганлар узок муддатларга қаторга ва қамол жазоларига 8 киши эса ўлим жазосига маҳкум этилди. Тошкентдаги «вабо исёни» деб ном олинган миллий-озодлик ҳаракати вабо баҳонасида қилиб чиқмаган эди. Бу исён мустамлакачи рус маъмурияти олиб бораётган зулм ва зўравонликка асосланган идорага карши узок йиллар давомида норозиликка айланиб

келаётган эди. Вабо факатгина бир туртки бўлган эди холос.

Генерал губернаторликнинг марказида бўлиб ўтган бу курашдан сўнг рус ҳукумати нихоятда, каттик ташвишга тушиб колди. Туркистон ўлкасида миршаблик ҳолати жорий этилди. «Давлат тартиби ва жамоат осойишталигини муҳофаза этишга доир чоралар ҳақида Низом» (1887) ва 1892 йил 18 июндан кучга киритилган «Харбий ҳолатда деб эълон килинган жойлар ҳақида Қоидалар» Туркистон ўлкасида жорий этилди. Харбийлар ва полициянинг ваколатлари кенгайтирилди. Ўлкада харбий ҳолат эълон килинди. Рус мустамлакачи ҳукумати ўлка аҳолисининг доимо кўркув ва хавотирда яшашга мажбур қилиш билан бирга, миллий маданият ва маърифатни ҳам чеклаш, маориф ва бошқаларда руслаштириш сиёсатини авж олдиришга киришди. 1895 йилдан бошлаб ўлкада рус тузем мактаблари очила бошланди. Турли сиёсатлари ва тадбирлари билан рус мустамлакачилари маҳаллий халқлар устидан ҳоким эканликларини намоиш этиб турдилар.

Чоризмнинг Туркистондаги халқларнинг ватанпарварлик, курашчанлик туйғуларини барбод қилишга ҳар қанча уринмасин, ўлканинг энг марказий қисмларида кўзғолон давом этиб турди. Рус мустамлакачилиги сиёсати ва ҳукмронлигига қарши навбатдаги кўзғолон 1898 йилда Андижонда бўлиб ўтди ва бу курашга Дукчи Эшон (Мухаммад Али халфа) бошчилик қилди.

Мухаммад Али Мухаммад Собир ўғли Маргилонга қарашли Шахидон қишлоғида дунёга келган. У ёшлиғида Бухорода ва кейинчалик Андижонда Султонхонтўра Эшон ҳузурида тарбия топади. Ҳаёти давомида қишлоққа эзгулик ва савоб ишларни кўп қилади. Султонхонтўра вафотидан сўнг эса унинг васияти билан Эшоннинг ўрнига пир бўлиб қолади.

1887 йилда Мухаммад Али Эшон Макка сафарига отланади ва Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Саудия Арабистони, ортга қайтишда эса Россиянинг жанубий ўлкаларида бўлиб, у ерлардаги тараккиёт ва халқ турмушини ўз кўзи билан кўриб, катта таассуротлар билан Фарғонага қайтади.

Эшон чет эл сафарида ўрганиб келган айрим ишларнинг аҳоли кўз ўнғида бажаргач, халқнинг унга бўлган эътиқоди ва эҳтироми янада ошиб боради. Муридлари унинг ҳовлисидаги 12 газли минорасини 34 газга кўтариб пишиқ гишт билан янгилаб беришади ва 500 отга мўлжалланган отхона қуриб беришади. У ҳар қуни етим-есирлар ва бева бечораларга овқат қилиб улашади.

Мухаммад Алининг халқ орасида обрўси нихоятда ошиб кетганлиги рус ҳукуматини ташвишга солиб қўяди. Шу кунларда Эшоннинг ҳовлисидаги минора қулаб тушади ва талабаларни босиб қолади, оқибатда 23 талаба ҳалок бўлади, 15 таси ярадор бўлади. Бахона топилган рус ҳукумати Эшонни дарҳол қамолга олади. Бирок жабрларган ва ҳалок бўлган талабаларнинг ота-оналаридан ҳеч қандай шикоят ва даъво бўлмаганлиги сабабли маъмурият Мухаммад Али Эшонни озод қилишга мажбур бўлади. Бу суд ва тергов жараёнлари Эшоннинг обрўсини нихоятда, ошириб юборади ва унинг муридлари кўчаларда намоишлар уюштиришади. 1895 йилда Эшоннинг ҳузурига Қурбонжон додхоҳ ташриф буюради. Бу вақтда унинг ўғли Қамчинбек рус амалдорларини ўлдирганликда айбланиб, осиб ўлдирилган эди. Қурбонжон додхоҳ эса яна русларга қарши бутун қирғизларни кўзғолонга кўтариши мумкинлиги ва айниқса, унинг Дукчи Эшон билан учрашуви мустамлакачи ҳукуматни каттик ташвишга солади.

1896 йили эса Қўғарт ва Қетмонтепа қирғизлари вакиллари Мухаммад Али Эшон

хузурига келиб, рус мужикларининг зўравонликлари устидан шикоят килиб келишади. 1897 йил охирида бу кишлокларнинг аҳолиси бир ерга тўпланиб, Чибил оксокол ва козок ноиби Мулло Рахматулла бошчилигидаги русларга карши уруш режасини ишлаб чиқишади. Бундан хабар топган рус маъмурияти зудлик билан етиб келади, бироқ уни маъракага йигилганликларини айтиб, таркалишади ва Эшонни Мингтепага кузатиб қўйишади. Бунда эълон килинган газотга Мухаммад Али Эшон рахбар этиб сайланган эди.

Мухаммад Али Эшон дархол ишга киришиб, газотга тайёргарликни бошлаб юборади ва Фаргона водийсидаги машхур кишиларга, жумладан, Мухаммадалибой, Сомий ва Холикберди охун, Саид Ахмадхўжа, Курбонжон додхох, Мухаммад Юсуф эшон, Яхёхон тўра хожи ва бошқаларга мактублари жўнатади.

Бироқ белгиланган вақтга, яъни 1898 йил 15 январга айтилган кишиларнинг ҳаммаси ҳам келмайди. Окибатда дастлабки уриниш қолдирилади.

Бу орада маҳаллий халкларнинг Дукчи Эшон бошчилигидаги бошланиши муқаррар бўлган кўзғолони ҳақида рус ҳукумати ҳам хабардор бўлади ва унинг олдини олиш мақсадида турли фитналар ва игволарни режалаштира бошлайди.

Кўзғолончиларнинг сусайиб қолган тайёргарликлари яна тезлаша бошлайди, бироқ энди уни кўринмас бир қуч бошқараётгандек туюлади. 1898 йил 17 май кuni икки юздан ортиқ газабга тўлган оломон Эшоннинг уйига бостириб келишади ва уни оқ кигизга ўтказиб, хон деб эълон килишади. Бироқ, режа бўйича унинг жияни Абдулазиз хон этиб қўтарилиши лозим эди.

Кўзғолончилар шу ердан тўғри Андижонга қараб юриш бошлайдилар. Йўл-йўлакай бошқа кишлокларнинг аҳолиси ҳам кўзғолончиларга қўшилиб боради. Кўзғолончилар Андижоннинг эски шаҳарида жойлашган 20-Туркистон линия батальони казармасига бостириб киришади. Улар 30 га яқин милтикни ўлжа олиб, ухлаб ётган солдатларни ўлдиришади. Бироқ, кейинги хоналарда ётган казаклар уйғониб, кўзғолончиларга қарши отишмаларни бошлаб юбордилар. Бир неча дақиқа давом этган отишмалардан сўнг кўзғолончилар чекинадилар. Қўплаб кўзғолончилар ўлдирилади ва ярадор қилинади. Казаклардан 23 киши ўлдирилади. Кўзғолондан хабар топган подшо Николай II Туркистон генерал губернатори бирон Вревскийни лавозимидан четлаштириб, ўрнига вақтинча Сирдарё ҳарбий губернатори Н.И.Корольковни тайинлайди.

Корольков жазо экспедицияси ташкил этиб, кўзғолон бўлган ҳудудларда қўплаб қиргинлар ва жазоларни амалга оширдилар. Минтерада уч соат давомида тўплардан ўқ узиб, уни ер билан яқсон қилдилар. Аҳолини қўчириб юбордилар. Қўплаб аҳоли эса бунгача тоғларга қочиб кетишга улгурган эди. Андижонда ҳам қўплаб одамлар қамолга олиндилар.

Қочиб кетган Мухаммад Али Эшон Арслонбоб яқинидаги тошқўприк деган жойда миллатфуруш қўконкишлоқлик Кодиркул ва Ёқуб қўрбошилар томонидан ушлаб олиниб, рус маъмуриятига топширилди. Шунга қарамай кўзғолонлар давом этди ва қўзғолон фақлигача қўзилди.

Кўзғолон натижасида хибсга олинганлар қўпчиликни ташкил этган ва рус ҳукумати томонидан шафқатсиз жазоланган. Қамолга олинган 400 дан ортиқроқ тутқунлар умумий ҳисобда 4621 йилга қамол қаторга ишларига ҳукм қилинганлар.

Мухаммад Али Эшон бошчилигидаги кўзғолон рахбарлари эса 1898 йил 25 июнда Янги шаҳар Тупрокқўргон олдида дорға осиб ўлдирилди. Шу тариқа 1898 йил май ойида Андижон халқи томонидан рус мустамлака сиёсати ва ҳукмронлигига қарши Мухаммад

Али Эшон бошчилигида юз берган кўзгolon маглубиятга учради.

XX аср бошларига келиб Россия империяси сиёсий ва иктисодий жихатдан инкироз ёкасига келиб колди. Мамлакатнинг хамма бурчакларида ҳукуматга карши чикишлар, галаёнлар, иш ташлашлар ва кўзгolonлар авж олди. 1901 йил хосилсизлик туфайли юзага келган очарчилик ва иктисодий танглик, 1904-1905 йиллардаги рус–япон урушидаги маглубият умумий ахволни янада огирлаштириб юборди. Вазиятдан кутулиш учун ҳукумат соликларни ошириб юборди. Окибатда кишлоклардаги дехконлар хонавайрон бўлдилар. Россияда юз бераётган бу иктисодий ва сиёсий бўҳронларнинг тўлкини Туркистонга ҳам етиб келди. Туркистон дехконлари ҳам мустамлакачи ҳукуматга карши кўплаб галаёнлар кўтардилар.

1905 йил киш ойларида Фаргона вилояти, Самарканд ва Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларида дехконларнинг галаёнлари авж олди. Наманган уездининг Янгикўргон, Сарисув, Богиш волостларида сайловлар вақтида кўтарилган галаёнлар туфайли сайловлар ҳам амалга оширилмади. Бундай галаёнлар Чоткол волостида, Тепакўргон, Кирчин, Корасув, Олтин кайрагоч, Ок йўл ва бошка кишлокларда ҳам бўлиб ўтди. 1905 йил Наманган уездига карашли Саричсув волостининг Афлотун кишлогига бир ярим мингдан ортик киргизлар тўпланиб, элликбоши ва сайлов ўтказувчи амалдорларни дўппослашди.

1905 йил бахорига келиб Фаргона вилоятида дехконлар ҳаракатлари, галаёнлари, амалдорларни дўппослаш, сайловларнинг адолатсизлигига карши норозилик ва ҳокимиятга талаблар билан чикишлар кўпайди.

Юзага келган бундай вазият рус мустамлакачи маъмуриятини каттик ташвишга солди ва улар Туркистонда ахволнинг нихоятда, жиддий тус олганлигини эътироф этиб, ўлкада «кучайтирилган мухофаза» ҳолатининг муддатини узайтиришни мақсадга мувофик деб топдилар. Бирок кескинлашиб бораётган зиддиятли вазиятни бартараф этишга ожизлик килдилар. Туркистон ўлкасининг турли жойларида дехконлар галаёнлари озодлик ҳаракатлари давом этиб турди.

XX аср дастлабки ўн йиллигида Туркистонда содир бўлган энг йирик дехконлар ҳаракатлари Намоз Пиримкулов бошчилигидаги ҳаракат эди. Халк томонидан «Намоз ботир» деб улугланган бу инсон мустамлакачилар томонидан «Намоз ўгри» сифатида аталиб, унга карши жиноий ишлар кўзгадилар, унинг килаётган ишларини «ўгрилик ва талончилик» деб атаб, сохта маълумотлар ҳар доим вақтли матбуотда халкка нотўгри етказиб бера бошладилар.

Намоз Пиримкулов 1904-1907 йилларда Самарканд вилоятининг тоғ ва кишлокларида мустамлакачилар ва уларнинг иттифокларига айланган маҳаллий бойлар ва савдогарларга карши кураш олиб борди.

Намоз халкка зарари тегаётган, халкни зўравонлик ва судхўрлик билан талаётган юкори табака вакиллари аёвсиз жазолаб, улардан тортиб олинган молларни бева бечораларга ва камбагалларга бўлиб бера бошлади.

Шундай ҳаракатлардан бири 1905 йил 10 майда Каттакўргон бозорида амалга оширилди. Намоз ва унинг одамлари бозорни ўраб олиб, бозордан кайтаётган бойлар ва савдогарларни талаб, ўлжа олинган молларни шу ернинг ўзидаёқ камбагалларга улашиб берадилар.

Оғалик кишлоги оксоколи Амин Назар Мухаммад, Арабхон кишлоги мингбошиси Хидирбоев, яна бир мингбоши Лутфулла Хўжаевлар мустамлакачиларга содик

хизматкор бўлганликлари учун Намоз ва унинг одамлари томонидан ўлдирилдилар ва кўргонларга ўт кўйиб, мол-мулки халкка улашиб берилди.

1905 йил ёз ва куз ойларида Жомда ва бошка жойларда катта савдо карвонлари кўлга олинади. Бирок шу вақтда Хўжаарик волости бошқарувчиси Лутфулла Хўжаевнинг хоинлиги туфайли Намоз ва унинг 50 кишидан иборат шериклари капитан Полов кўшинлари томонидан хибсга олинади. Намоз камокдан ер остидан лахм кавлаб кочиб кетишга муваффақ бўлади. Шу воқеадан сўнг Намозчиларга қарши жазо отрядлари ишларини шахсан Туркистон генерал губернатори Н.И.Гродеков назорат қила бошлайди. Намоз йигитлари орасига жосуслар юборила бошланди. Шундай жосус ва хоинлардан бири Ширин Мухаммадов исмли кимса эди.

Мустамлака маъмурияти Намоз ва унинг йигитларини тутиш ишларини кенгайтириб боради ва бир қатор харбий бўлинмаларни шу ишга жалб қилади. Бу операцияга раҳбар этиб Самарканд харбий губернатори ёрдамчиси полковникнинг Сусанино тайинлайди. Амир Абдулахадхон ҳам намозни тутиш операциясига жалб этилади. Бу ишларни 1907 йил 28 майда бошлашни назарда тутиб, Бухоро черагасида 12 пост, Самарканд ва Каттакўргон ҳудудларида 10 та кузатув постлари қуйилади. Амир ҳам ўз сарбозларини шу ишга жалб этади. Оқибатда, бўлиб ўтган тенгсиз жанглардан сўнг Намоз ва унинг йигитлари катта талофатларга учрайдилар.

Бирок шу вақт намозчилар орасида фитна кўзгалиб, Намоз Пиримкулов ўлдирилади. Намознинг ўлими билан ўлкадаги дехконлар галаёнлари тўхтаб қолмади ва рус ҳукуматини дахшатга солиб вақти-вақти билан кўтарилиб турди.

Рус мустамлака ҳукуматининг зўравонлик сиёсатига қарши бўлиб ўтган энг катта норозилик ҳаракатлари қуролли курашларидан бири тарихда «Жиззах кўзғолони» деб ном олган 1916 йилги миллий-озодлик курашлари эди.

Россия империяси биринчи жаҳон урушига киргач, тез орада унинг харбий ва иқтисодий салоҳияти Европа давлатларига нисбатан анча қолоқ ва заиф эканлиги аён бўлиб қолди. Фронтдаги етишмовчиликлар, ўқ-дори ва озик-овқат маҳсулотларининг етарли эмаслиги, фронт ортидаги ишларнинг сусайиб кетганлиги Россия империяси ҳукуматини Туркистонга нисбатан мустамлакачилик зулмини янада оширишга олиб келди.

Харбийликка олиниши таъқиқланган Туркистонликларни «фронт ортида армия эҳтиёжларини қондириш» мақсадида мардикорлик ишларига олишга қарор қилинди. Шошма-шошарлик ва аниқ ўйлаб чиқилмаган режани амалга ошириш мақсадида подшо Николай II 1916 йил 25 июнда «фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказда САPut!» ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш» тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Фармонга кўра, Сирдарё вилоятидан 87 минг, Самарканд вилоятидан 38 минг, Фарғона вилоятидан 50 минг мардикор юбориш белгиланди ва бу вазифаларни зудлик билан амалга ошириш Туркистон генерал губернатори зиммасига юклатилди. Вилоятларда дарҳол фармонни ижро этишга киришилди. Фарғона вилояти харбий губернатори А.Гиппиус Фарғона вилоятидаги шароитни ҳисобга олиб, бу фармонни бирданига бажариш нотўғри эканлиги ҳақида ҳокимиятни огохлантиради. Бирок у фармонни ижро этишни атайлаб бузганликда айблаб ишдан олиб ташлашди ва унинг ўрнига шовинист харбийларидан бири полковник П.Иванов тайинланади. Мардикорликка олишга қарши ўлканинг турли ҳудудларида кўзғолонлар бошланиб кетади.

Норозилик ҳаракатлари дастлаб аҳоли зич жойлашган марказларидан бири Хўжандда

бошланади. 1916 йилнинг 4 июль куни 6000 дан ортиқ эркаклар ва аёллар маъмуриятга қарши очикдан-очик мардикорликка фарзандларимизни бермаймиз, деб кўзголон кўтардилар. Кўзголон харбийлар томонидан бостирилди ва намоишчилар ўкка тутилди. Худди шундай ҳаракат Самарканд вилоятининг Ургут туманида 5 июл куни бўлиб ўтди. Мардикорлар рўйхати йўқ килинди, махкама хизматчилари қалтакланди. Самарканд вилоятининг Сиёб, Хўжа Ахрор, Ангор ва бошқа волостлари ва қишлоқларида ҳам шундай чиқишлар содир бўлди.

7 июль куни Дахбед қишлоғида ҳоин Саидмурод Қобилов тузган рўйхатда фақат камбағалларнинг болалари ёзилгани учун халқ Усмон Абдурасулов бошчилигидаги махкама хизматчиларини қалтакладилар. Бунда Усмон Абдурасулов яраланди ва кўзголон қатта қуч билан бостирилди. Очил Бобожонов, Раҳимберди Икромов, Махмудхўжа Мирзахўжаевлар бошчилигида мардикорликка олиш ишларига қарши бўлган ва фақатгина камбағалларнинг болалари рўйхатга қиритилганидан норози бўлган Тошкент аҳолиси ҳам 11 июлда маъмуриятга қарши норозилик намоиши ва кўзголон бошлади. Кўзголонда аёллар ҳам фаол иштирок этди. Кўзголончилар полициячилар томонидан ўкка тутилди ва бир қанча кўзголончилар оғир ярадор бўлдилар. /азабланган халқ полициячилар ва казакларга қарши қинакам уруш бошлаб юбордилар. Оқибатда, чор аскарлари полиция бошқармаси ичига қириб яшириниб олишга мажбур бўлди. Кўзголон қечгача давом этди ва генерал Галкин ҳамда подполковник Савицкийлар бошчилигидаги жазо отрядлари томонидан бостирилди. Бутун ўлкада қоризм сиёсатига қарши кўзголонлар қучайиб борди. 9 июль куни Андижонда, Тошкент шаҳри атрофидаги бир қатор қишлоқларда 10 июль куни эски Марғилонда, Шаҳрихон ва бошқа жойларда дехқонлар ва ҳунармандлар, қосиблар ва бошқаларнинг чиқишлари умумхалқ кўзголони ва қурашига айланиб кетди.

Жиззахдаги норозилик ҳаракатлари эса том маънодаги озодлик урушига айланиб кетди. Жиззахликлар душманга қарши газовот эълон қилдилар. Кўзголонга Назирхўжа эшон ва Абдурахмон жевачи бошчилик қилдилар. Кўзголон 13 июлда шаҳар оксоқолининг ўлдирилиши билан бошланди. Халқ мингбоши махкамасига бостириб қирганда, жазо учун етиб қелган полковник фукин отрядлари кўзголончиларни ўкка тутди бошлади. Бироқ кўзголончилар чор аскарларига зарба бериб, Фукин ва унинг ёрдамчиларини ўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Ёрдамга етиб қелган полковник Афанасьевнинг жазо отряди ҳам Янги Жиззах станциясида туриб қилишга мажбур этилди. Атрофдаги қишлоқлардан қелаётган халқ кўзголончилар сафини қенгайтди. Кўзголончилар темир йўл станциялари, улардаги нефть захарлари, алоқа симларини вайрон қилдилар ва йўқ қилдилар. Афанасьев қўшинлари ўз марраларидан чекина бошладилар.

14 июлда кўзголон Богдон, Фориш, Синтоб бекликларига ҳам тарқалди. Богдондаги кўзголонга раҳбарлик қилган Абдурахмон жевачи Жиззахликлар билан қўшилишга қарор қилди. Бироқ бу пайтда Жиззахга Тошкентдан 2,5 минг қишлоқ жазо отрядлари туп ва бошқа қуроллар билан биргаликда қелаётган эди. Назирхўжа эшон бошчилигидаги Жиззахликлар жазо отрядлари томонидан аёвсиз ўкка тутилди ва улардан омон қолган 600 қишлоқ гуруҳ Абдурахмон жевачи қўшинлари сафларига қўшилди.

Абдурахмон девачи 20-21 июль кунлари Афанасьев қўшинларига зарба бериб, уни чекинишга мажбур қилди ва мағлубиятга учратаётган вақтда полковник Иванов отрядлари ёрдамга етиб қелди ва кўзголончиларга зарба берди. Кўзголончилар

маглубиятга учратилгач, кўзголон бўлиб ўтган барча шахар ва кишлокларда аёвсмз жазо ишлари, хунрезлик амалга оширилди. Абдурахмон жевачи ва у билан бир сафда туриб курашган 12 киши осиб ўлдирилди. Кўзголон бостирилган бўлса ҳам, чор харбийларидан каттагина кисми Жиззахда ўлим топди. Кўзголон давомида рус харбийларидан 260 га якин, рус ахолисидан эса 4000 га якин киши ўлдирилди ва бедарак йўколди. Бу ҳақда 1916 йил 13 декабрда IV давлат думасида сўзга чиккан ноиб А.Ф.Керенский «уруш фронтларига янги бир фронт туркистон fronti кўшилди» деб таъкидлаган эди. Рус маъмурияти, кўзголонларни бостириб, ўз мақсадларига кисман эришган бўлсада, бу билан халкнинг озодликка бўлган интилишини йўк кила олмади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети «Ватан тарихи» кафедраси